

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

**Юсупова Азиза Авазовна**

*Тошкент амалий фанлар университети мустақил тадқиқотчиси*

*Email: aziyusupova85@gmail.com Тел: +998 97 706 57 72*

**Аннотация:** мақолада Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган мақсадлар юзасидан ёшлар сиёсати бўйича қабул қилинган қонун, фармон, қарор, Концепция ва дастурларда ёшларни маънавий ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, таълим тизимидаги ислоҳотлар ва ёшларга берилаётган имтиёзлар ҳамда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда ёшларнинг ўрни тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар сиёсати, ёшлар маънавияти, ёшлар тарбияси, таълим тизими, Янги Ўзбекистон стратегияси, Учинчи Ренессанс, миллий гоа.

**Аннотация:** в статье исследуются правовые основы духовного развития молодежи в законе, указах, постановлениях, концепциях и программах, принятых по вопросам молодежной политики, о целях, изложенных в новой стратегии Узбекистана, реформах в системе образования и льготах, предоставляемых молодежи, роли молодежи в построении фундамент третьего "Возрождение".

**Ключевые слова:** молодежная политика, духовность молодежи, воспитание молодежи, система образования, новая стратегия Узбекистана, третье возрождение, национальная идея.

**Abstract:** the article examines the legal foundations of the spiritual development of youth in the law, decrees, resolutions, concepts and programs adopted on youth policy, the goals set out in the new strategy of Uzbekistan, reforms in the education system and benefits provided to youth, the role of youth in building the foundation of the third "Renaissance".

**Keywords:** youth policy, youth spirituality, youth education, education system, new strategy of Uzbekistan, third renaissance, national idea.

### Кириш

Янги Ўзбекистон стратегиясида ёшларни маънавий камол топишининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. 2030 йилгача аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Миллий стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқишга Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, БМТнинг Тараққиёт дастури ва Жаҳон банкининг етакчи мутахассислари жалб этилди. Фармойишда кўзда тутилган чора-тадбирлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ижтимоий ҳимояни кучайтириш ҳамда ёшларни тўлиқ, фойдали ва муносиб иш билан таъминлашга қаратилган. БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) Ўзбекистонда қизларнинг таълим олиши, ёш аёлларга эса иш билан таъминланишда тенг имкониятлар яратиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга инвестиция киритишга чақирди. Ташкилотнинг “Ўзбекистон ёшлари: чақириқлар ва истиқболлар” мавзусида чоп этилган ҳисоботда қизлар ва ёш аёлларда интернет орқали маълумот олишда тўсиқлар борлиги қайд этилган. Бу муаммоларнинг

ечимини Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқида кўрсатди: “...хотин-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, гендер тенглик, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида Миллий дастур қабул қиламиз” [1; Мирзиёев Ш. 2021].

Халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлди. XXI асрнинг ушбу иллатига қарши жаҳон ҳамжамиятининг курашини Ўзбекистон кўллаб-қувватлади. Ўзбекистон фақат терроризмнинг ташқи кўринишларига, бегуноҳ одамларни гаровга оладиган, портлатадиган ва ўлдирадиганларга қарши курашиш билангина уни бартараф этиб бўлмаслигини, аввало унинг бирламчи манбаларига қарши курашиш кераклигини, яъни, ислом динини сиёсатга айлантираётган, террорчилик мафкурасини яратаётган радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак, деб таъкидлаган.

Ёшларни маънавий юксалтириш масаласи Ёшларга оид давлат сиёсати доирасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг асарлари ва нутқларида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, 2020 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунда, 020-2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” Президент қарорида, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 11 сентябрда имзолаган фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон–2030” стратегиясида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йили нашр қилинган “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобида ҳамда 2024 йили нашр қилинган “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” номли кенг қамровли, фундаментал асарида, шунингдек Қабул қилинган фармон, қарор, Концепция ва дастурларда ишлаб чиқилди ва ушбу ҳужжатлар ёшларни маънавий ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари бўйича манба ва методология ҳисобланади.

Асосий мазмун. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган тўртинчи йўналиши: Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш; Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларини қамраб олди [2; 2017].

Хусусан, 2020 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни [3; 2020] ушбу соҳа тараққиётида, ёшларимиз замонавий билимларни эгаллаш учун зарур ҳуқуқий база бўлди. Ушбу қонун натижасида

кейинги 5 йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, йилига 182 минг нафар ёш учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу умумий қамров 28 фоизга етди деганидир. Ваҳоланки, аввал олий таълимда 100 нафар боладан фақатгина 9 нафарида ўқишга имконият бор эди. 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ОТМлари бакалавриятнинг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонларида (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) энг юқори балл тўплаган 200 нафар абитуриентлар учун “Президент грант”лари жорий этилди. Мазкур грантга лойиқ деб топилган талабалар магистратура босқичига имтиҳонларсиз давлат гранти асосида қабул қилиниши белгиланди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги фармониға мувофиқ, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб “Президент ва номдор стипендия”лар ҳар бир ОТМ бакалаврият талабалари учун биттадан, таянч докторантурада ўқиётган докторантлар ва магистратура босқичи талабалари учун квота икки баробарга оширилди.

Ислоҳотлар туфайли 12 тоифадаги шахслар учун (ҳарбий хизматчиларни фарзандлари, спорт мусобақаларининг ғолиблари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари) давлат гранти асосида имтиҳонсиз ўқишга кириш имтиёзи берилди. Олий ўқув юртларига 9 тоифадаги шахслар учун ўқишга кириш учун алоҳида квоталар ажратилди. Эҳтиёжманд оилаларға мансуб 2 минг нафар қизға олий ўқув юртларига кириш учун грантлар ажратилди. “2020-2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишға қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” Президент қарори [4; 2020] асосида шароити оғир бўлган Мўйноқ, Сўх ёшларига олий таълим учун мақсадли қабул грантлари эълон қилинди. Янги олий таълим муассасалари ташкил этилди, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимлар очилди, олий таълим муассасаларига қабул квоталар оширилди, чет элнинг етакчи олий ўқув юртлари билан янги университет, институт ва филиаллар ташкил этилди.

Хорижий олий таълим ташкилотлари сони икки баробар ошди. Буюк Британия, Италия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Сингапур, Россия, Латвия давлатларининг олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият олиб бормоқда. 2021 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган иккинчи Россия-Ўзбекистон таълим форумида қайд этилганидек, Россиянинг яна 7 та олий ўқув юрти Ўзбекистонда ўз филиалларини очиш ниятида. Ўзбекистонда Россиянинг 15 та етакчи университетларининг филиаллари ташкил этилган бўлиб, улардан 12 таси 2018-2021 йилларда очилган, мазкур филиалларда 6 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олмақда.

2021 йилдан 8 минг талабаға мўлжалланган Янги Ўзбекистон университети фаолият бошлади. Мамлакатда таълим соҳасидаги ислоҳотлар дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, World Population Review томонидан 2021 йилда энг саводли мамлакатлар рейтингини тузиш учун 154 мамлакатдаги ҳолатни

таҳлил қилган. Рейтинга кўра Ўзбекистон саводхонлиги 100 фоизни ташкил қилган 4 та мамлакатлардан биридир. «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали етакчи хорижий ОТМларга магистратура ва докторантурага ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилди. Ёшлар учун олий таълимдан кейинги таълим олиш учун шароит яратиш мақсадида 2021 йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади (4,5 минг нафарга етади). 2022 йилдан бошлаб ҳар йили бу рақамни 50 фоизга ошириб бориш белгиланди.

Қабул қилинган фармон, қарор, Концепция ва дастурлар таълим соҳасидаги давлат сиёсати бола туғилганидан 30 ёшгача уни қўллаб-қувватлайдиган тизим шаклланишига асос бўлди. Инглиз тилида “Life-long learning” бирикмаси билим олишда тўхтамаслик талабини ўзида ифодалайди. Давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши тузилди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, 30 июнь Ёшлар куни деб эълон қилинди [5; 2020]. Ёшлар иттифоқи негизида Ёшлар ишлари агентлиги тузилди. Жойларда 8 нафар ёшлар ҳоким ўринбосари этиб тайинланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 9 нафар йигит-қиз сайланди, маҳаллий кенгашларнинг 10 фоизини ёшлар ташкил этади.

Президент Ш.Мирзиёев 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” [6; 2021] деб эълон қилди. Ёшлар муаммолари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентнинг 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномасида, бола 30 ёшгача давлат томонидан қўллаб-қувватланиши белгиланди, 30 ёшдан кейин давлат сиёсатининг, ижтимоий ҳаётнинг субъекти, яъни жамиятнинг ҳал қилувчи кучига айланади [7; 2020]. 2020 йил январда «Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жиноятга мойил ёшларни аниқлаш» мавзусида ўтказилган сўровнома натижаларини «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази эълон қилди. «Жиноят қилишга мойил бўлган ёшларнинг асосий хусусияти нима?» деган саволга 47 фоиз респондент кўп вақтини кўчада ўтказиш, 42,1 фоизи алкоголь ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, 34,9 фоизи агрессивликни хусусият сифатида қайд этган. Тадқиқотда ҳуқуқий саводхонликнинг пастлиги сабаблари санаб ўтилган.

Мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди. Шу тариқа, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар якунига келиб, Янги Ўзбекистон пойдеворининг ҳуқуқий асослари яратилди. Сўнгги йилларда олиб борилган ислохотларнинг натижасида мамлакатда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон кадри учун” тамойили асосида халқнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш борасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш мақсадида Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мамлакатда 2021 йили бўлиб ўтган Президент сайлови давомида давлат раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” [8; Мирзиёев Ш. 2021.бб.65] номли янги китоби биринчи навбатда Тадбиркорлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси электорати ўртасида кенг муҳокама қилинди. Тараққиёт стратегияси парламент йўналишида – Олий Мажлис палаталари мажлисларида, Ёшлар парламентларида муҳокама қилинди.

Мамлакатда туб ислоҳотларни ўтказиш жараёнида катта тажриба орттирилди. Халқнинг ислоҳотларга бўлган ишончи ортди ва иштироки кўлами кенгайди. Бу эса ўз навбатида мамлакат ривожига қаратилган янги режа ва дастурларни амалга ошириш учун янги имкониятлар яратди. Шундай вазиятда мамлакатнинг самарали ички ва ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқишда Президент Ш.Мирзиёев қуйидаги муҳим ва долзарб масалаларини назарда тутиш зарурлигига эътибор қаратди:

Биринчидан, бугунги кунда мамлакат аҳолиси 35 миллиондан ошди, 2026 йилга бориб эса, 38 миллиондан кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Бу эса Ўзбекистон жаҳонда аҳоли сони бўйича 37-ўринга чиқиб, Польша, Канада, Саудия Арабистони каби давлатлар аҳолисидан ҳам ошишини аниқлатади.

Иккинчидан, аҳолининг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этади ва ҳар йили меҳнат бозорига камида 600 минг ёшлар кириб келмоқда. Бундай демографик ўсиш ҳам имконият, ҳам жуда катта масъулият демакдир.

Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш темплари, хусусан аҳолининг ярмидан кўпи ёшлар бўлиши, уларга муносиб шароит қилиб бериш учун барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Буларнинг барчаси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор зарур бўлиши, Янги Ўзбекистонга янгиланаётган Конституция кераклигини кўрсатди [9; 2022]. Негаки, Ўзбекистон аҳолиси 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, унинг ярмидан кўпи ёшлар бўлиши эътиборга олинса, уларга муносиб шароит қилиб бериш учун барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Буларнинг барчаси учун ҳуқуқий пойдевор Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилинишига [10; 2023] асос бўлди.

Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциядаги нормалар 3 баробар кўпайтирилди. Аҳолининг бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4

баробар оширилди. Таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилди, ўқитувчилар алоҳида конституциявий мақомга эга бўлди. Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробарга оширилди. Фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи белгилаб қўйилди. Ногиронлиги бор фарзандларга таълим олиши учун барча шароитларни яратиш кўзда тутилди.

Илк бор Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жихатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти кучайтирилди. Президент таъбири билан айтганда, “Мамлакатимиз таракқиётида мутлақо янги даврга қадам қўймоқдамиз. Чунки, янгиланган Конституциямизни қабул қилиш билан биз Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий пойдевор яратдик. Бугун халқимиз интилаётган ана шу буюк мақсадни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаман, деган ҳар бир юртдошимиз, аввало ушбу пойдеворга таяниб, ҳаракат қилиши лозим. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда, ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам замин ҳозирлашда Асосий қонунимиз уларга бекиёс имкониятлар очиб беради” [11; 2022. Мирзиёев Ш. 416-б.]. Яна бир муҳим янгилик – давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши конституциявий мустаҳкамланмоқда. Энди фарзандлар тарбияси, уларга таълим бериш, баркамол вояга етказиш ҳам ота-онанинг мажбурияти ҳисобланади.

Ёшларга оид давлат сиёсати парламент фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва Ёшлар масалалари бўйича комиссия фаолияти ёшлар билан ишлаш, уларнинг қизиқишларини ўрганиб норма ижодкорлигига жалб этиш ва қабул қилинаётган қонунларни ёш авлод орасида тарғиб этиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини ошириш. Жорий йилда Ёшлар масалалари бўйича комиссия 20 дан зиёд қонун лойиҳалари юзасидан 60 дан зиёд таклифларни масъул қўмиталарга тақдим этди. Давлат дастури доирасида жорий йилда Қонунчилик палатасида 5 март “Очиқ эшиклар куни”, қуйи палатада ёшларнинг 19 та учрашуви ташкил этилди. Жойларда “Фракция ва ёшлар”, “Депутат ва ёшлар” мулоқотини ўтказиш орқали йигит-қизларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда, уларни долзарб масалаларни ҳал этишига парламент аъзолари томонидан аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 11 сентябрда имзолаган фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон–2030” стратегиясига кўра [12; 2023], республика 7 йилда даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторига кириши, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизими яратилиши, халқ хизматидаги адолатли давлат барпо этилиши керак. Стратегиядаги жами 100 та мақсад 5 та йўналишларга бўлиниб, биринчи йўналиш “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш (таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя, ёшлар сиёсати, маънавият масалалари)”, деб номлангани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” номли кенг қамровли, фундаментал асарида Ўзбекистоннинг бугунги янги қиёфасининг мазмун-моҳияти чуқур таҳлил ва далиллар асосида ёритиб берилган. Асарнинг бош ғояси, асосий лейтмотивини Президент Ш.Мирзиёев серқирра фаолиятининг маъно-мазмунига айланган, кейинги саккиз йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг марказида бўлиб келаётган миллий мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ёшлар маънавияти каби эзгу тушунчалар ташкил этади.

Хулоса. Ҳозирги замоннинг шиддатли ва зиддиятли таракқиёт тамойилларини мураккаб ва таҳликали давр нуқтаи назаридан тушуниш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, келажакка катта ишонч билан қараб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнларида онгли ва бунёдкор фуқаро сифатида муносиб иштирок этишда, янги ватанпарвар авлодни тарбиялашда Президент асарларининг аҳамияти беқиёсдир. “Янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун халқимизнинг орзу-интилишлари ҳамда кенг қамровли ислохотларимизнинг моҳияти ва фалсафасини акс эттирувчи янги ғоялар ва янгича дунёқараш ҳам талаб этилади. Бу дунёқараш, авваламбор, “барқарор ривожланиш фалсафаси” асосида шаклланиши лозим, деб ўйлайман. Эртанги кун тарихини бугун ёзишимиз шарт. Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар, пухта ўйланган истиқболли режалар, янги марра ва ғалабалар керак бўлади” [13; 2024. Мирзиёев Ш. бб.15]. Албатта, бу ғалабаларни Янги Ўзбекистоннинг маънавиятли ёшлари таъминлайди.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи <https://daryo.uz/k/2021/11/06/>
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси. <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/2>
3. “Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>
4. “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.06.2020 йилдаги ПҚ-4749-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4855128>
5. Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида. <https://lex.uz/docs/3255680>
6. 2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб эълон қилинди <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/29/president/>
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

8. Mirziyoyev Sh. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To‘ldirilgan ikkinchi nashri. – Toshkent: O‘zbekiston nashriyoti, 2022. – 416. -Б. 65.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съездидаги нутқи <https://review.uz>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2023 йил 8 майдаги ПФ-67-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/6461609>
11. Mirziyoyev Sh. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To‘ldirilgan ikkinchi nashri. – Toshkent: O‘zbekiston nashriyoti, 2022. – 416.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» Стратегияси тўғрисида” ги 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
13. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Т.: Ўзбекистон, 2024. -Б. 15.